

Туркия ташқи ишлар вазири Мевлют Чавушоғлу Марғилонда

Шу йилнинг 15-16 июль кунлари Тошкентда бўлиб ўтадиган «Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдид ва имкониятлар» мавзусидаги халқаро конференцияда иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Туркия ташқи ишлар вазири Мевлют Чавушоғлу Марғилон шахридаги Ҳунармандлар марказига ташриф буюрди. Ўзбекистон Маданият вазири Озодбек Назарбеков ҳамроҳлигидаги юқори мартабали меҳмоннини Марғилон шаҳар ҳокими Адҳам Зиявитдинов ва бошқа расмийлар тантанали кутиб олдилар.

Хусусий тадбиркор Иброҳимжон Султонов ташаббуси билан давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилган марказда тайёрланаётган маҳсулотларнинг 95 фоизи ҳозирги кунда Туркия давлатига экспорт қилинмоқда. 400 нафар уста-хунарманд томонидан тайёрланаётган 200 дан ортиқ турдаги атлас ва адрес тўқиши, гиламчилик, майший хизмат, тикувчилик, ҳунармандчилик маҳсулотлари меҳмонларни ҳайратга солди.

Айниқса, шаҳардаги 8-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактабининг истеъдодли ўқувчилари ижросида янграган дилтортар куй-қўшиқлар ҳамда дилрабо рақслар гулдастаси тадбир иштирокчиларига кўтаринки кайфият улашди.

Ташриф режасига кўра кун давомида Туркия ташқи ишлар вазири Олтиариқ туманидаги узумчилик боғларини бориб кўради, Қўқондаги Худоёрхон саройи ҳамда Жоме мажмуаси билан танишади.

2021-07-14 17:53:26